

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Kattaqo'rg'on shahar  
HOKIMI  
QARORI



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
города Каттакургона  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amin Temirchasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2015 у.г. «18» ноябрь

№ 862/8

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

**Савдо мажмуаси куришга рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни куришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, Каттақўрғон шаҳрининг бош режасининг муаллифи «Узшаҳарсозлик ЛИТИ» ОАЖнинг 2009 йил 04 августдаги № 1-10/1627 сонли келишув хатини, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномасини, Каттақўрғон шаҳар Б.Машраб кўчаси 86 уйда яшовчи фуқаро Базарова Венеранинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Б.Машраб кўчаси 86 уйда яшовчи фуқаро Базарова Венерага, Самарқанд (У.Барноев) кўчаси атрофида буш турган 600,0 кв.метр ер майдонида савдо мажмуаси куришга ҳамда атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар Б.Машраб кўчаси 86 уйда яшовчи фуқаро Базарова Венерага белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида куриш учун ҳужжатларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни куришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”да кўрсатилган 2 йил муддат ичида фуқаро В.Базарова томонидан ишлар амалга оширилмаса ушбу қарор бекор қилинсин.
5. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда, тасдиқланган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр» давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
6. Белгиланган тартибда солиқ ва бошқа тўловларини ундириш шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (М.Жураев) зиммасига юклатилсин.
7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж. Рахмонов.